

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Экология ва атроф мухитни муҳофаза  
қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари

И.И.Боқижонов



16 декабрь 2021 йил

### ДХШ лойиҳасининг намунавий концепцияси

#### I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш
Тармоқ номи:	Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш
Лойиҳа тури:	Маиший чиқиндилар билан боғлиқ соҳасида Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	Хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, саралаш, қайта ишлаш, утилизация қилиш
Давлат шеригининг номи:	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):	Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани

#### II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарорига мувофиқ барча тегишли ҳужжатлар тақдим қилинди.

#### III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

	Қўшимча маълумотлар
1.	Лойиҳанинг ЛБХ/ТИА/ТИХҚ мавжудлиги: ✓ Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар “Ҳа” жавобини белгиланган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. <b>Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланди.</b>
2.	Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестиция дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори <input type="checkbox"/>

	Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/> Бошқа <input type="checkbox"/> Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг:		
3.	Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга руҳсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми? Ҳа <input type="checkbox"/> ✓ Йўқ <input type="checkbox"/>		
4.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг: Мамлакатда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислоҳ қилиш доирасида Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида худудида санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширилади, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқишнинг самарали механизмлари жорий этилади. Маиший чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилма такомиллаштирилади, туман худудлари доирасида янги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилади ва контейнерлар билан жиҳозланади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими такомиллаштирилади, мазкур тизимнинг бошқарилишини ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш ишлари бажарилади. Маиший чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш, утилизация қилиш, зарарсизлантириш учун зарур ускуна ва линиялар келтирилади, қуриб ишга туширилади, ва улардан мақсадли фойдаланган ҳолда юқорида кўрсатилган ишлар бажарилади.		
5.	а) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси (2-илова):  (1 310,1 минг АҚШ доллари)  <b>14 070,5 млн.сўм</b>	б) Эксплуатация харажатлари миқдори: (ЛБХда)  <b>512,2 млн.сўм</b>	в) Умумий харажатлар:  (1 357,8 минг АҚШ доллари)  <b>14 582,7 млн. Сўм</b> <i>(21.09.2021 йил ҳолатига курс: 10740)</i>
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: 10 йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг: 3-10 <input type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>	д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 3 йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг: <10 <input type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>	

6.	a).	Лойиханинг даромад манбасини кўрсатинг: ✓ Фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/>				
	b)	Фойдаланганлик учун тўлов: <b>ДХШ лойихаси доирасида бир ойда аҳолидан кўрсатилган хизмат учун тўлов 519,1 млн.сўм (1-илова)</b> Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Кўшимча фойда тақсимоти <input type="checkbox"/>				
	v)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 августдаги 509-сонли Қарорига асосан, Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффиқиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолиби томонидан ваколатли давлат органига лойиха қийматидан 0.2% ( $14\,070.5 \cdot 0.2\% = 28.1$ млн сўм) миқдордаги бир марталик тўлов ДХШ тўғрисидаги имзоланган битим реестрга олингунга қадар тўланади.				
7.	a)	ДХШ лойихасининг ташаббускорини белгиланг: Хусусий ташаббускори <input type="checkbox"/> Давлат ташаббускор <input type="checkbox"/> <b>Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси</b> томонидан ташаббус килинмоқда.				
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф килинган ўзгаришларни белгиланг.					
	<b>Хавф ёки хатарлар турлари</b>	<b>Давлат шериги</b>	<b>Умумий</b>	<b>Хусусий шерик</b>	<b>Хатар тақсимоти асоси</b>	<b>Изох</b>
	Лойихага тегишли хавф хатарлар			•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуқсон хавфи			•		
	Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар	•				
	Молиявий хатарлар			•		
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)	•				
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган)			•		
	Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар		•			
Лойиха шартномаси тузулганидан кейинги лойихага	•					

тузулганидан кейинги лойихага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)					
Лойиханинг суғуртасига оид хатарлар			•		
Солиқ билан боғлиқ хатарлар		•			
Тарифларнинг ўзгаришиг боғлиқ хатарлар		•			
Лойиха шартномаси тузулганидан кейинги лойихага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойихага салбий таъсири хатарлари	•				
Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•				
Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	•				
Сиёсий беқарорлик хатарлари	•				
Таъмир ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
Мулк конфискацияси		•			
Операцион хатарлар			•		
Экологик/ ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		

	Бошка					
9.	Ҳар бир боскич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:					
		Сана				Сана
	а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	2021 йил декабрь	д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш		2022 йил март
	б) Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)	2021 йил декабрь	е)	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.		-
	в) Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	2022 йил январь	ё)	Молиявий яқунлаш		2022 йил март
	г) Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)	2022 йил феврал				
10	Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ Мавжуд.					
11.	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари кирати) <b>14 582,7 млн сўм</b> (1 357,8 минг АҚШ доллари <i>21.09.2021 йил ҳолатига курс: 10740</i> )					
12.	Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг: Бюджет маблағлари мавжуд эмас.					
13.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иктисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? ✓ Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> <i>Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан бугунги кунда қамров даражаси аҳоли кесимида паст. Жумладан, Ғузор туманида 207,6 минг киши рўйхатдан ўтган ҳолда истиқомат қилса, шуларнинг 175,6 минг нафарига ёки 85 фоизига биллинг автоматлаштирилган тизими маълумотларига кўра хизмат кўрсатилади. Мазкур ҳудуд хусусий шерикка бириктирилгандан сўнг <b>121 та</b> янги иш ўринлари яратилиши ва <b>6 та</b> махсус техникаларни киритилиши ҳисобига ҳудудда қамров даражасини 100 % гача етказилиши имкони яратилади, ва <b>7 та</b> чиқиндиларни йиғиш майдони, <b>60 та</b> чиқинди контейнерлари ўрнатиш орқали ҳудуддаги экологик ҳолати, инфратузилмасини яхшилашга эришилади, яратилган янги иш ўринларида ёшларни ҳамда эҳтиёжманд оила аъзоларини иш билан таъминлашга эришилади. Инвестиция доирасида олиб келиб ишга тушириладиган саралаш ускунаси орқали маиший чиқиндиларни саралаш натижасида ҳудудда ҳосил бўлаётган маиший чиқиндиларни 38 % ни қайта ишлашга эришилади. Чиқиндиларни саралаш орқали таркибидан қайта ишланадиган маҳсулотлар ажратиш олинади. Шунингдек туманда чиқиндиларни қайта юклаш</i>					

	<p>ёшларни ҳамда эҳтиёжманд оила аъзоларини иш билан таъминлашга эришилади. Инвестиция доирасида олиб келиб ишга тушириладиган саралаш ускунаси орқали маиший чиқиндиларни саралаш натижасида ҳудудда ҳосил бўлаётган маиший чиқиндиларни 38 % ни қайта ишлашга эришилади. Чиқиндиларни саралаш орқали таркибидан қайта ишланадиган махсулотлар ажратиб олинади. Шунингдек туманда чиқиндиларни қайта юклаш станциясини қуриш орқали ушбу ҳудудлардаги чиқинди полигонларини қисқартириш назарда тутилмоқда.</p>
14.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиха доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?</p> <p>✓ <input checked="" type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: <i>Тегишли лойихага мувофиқ мавжуд ва янги 7 та махсус чиқиндиларни ташиш техникалари, 1 та чиқиндиларни саралаш дастгоҳи ўрнатиш режалаштирилган. Хизмат кўрсатувчи махсус автотранспорт воситалари 100 %гача GPS тизимига уланади. Чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 36,5 % гача етказиш учун зарур қувватдаги саралаш ускуналарини ўрнатиш.</i></p>
15.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиха инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими?</p> <p>✓ <input checked="" type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: <i>Санитар тозалаш корхонасининг автохўжалигини замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда, бошқарув тизимини автоматлаштириш. Хизмат кўрсатувчи махсус автотранспорт воситалари 100 % гача GPS тизимига уланади.</i></p>
16.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиха доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?</p> <p>✓ <input checked="" type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: <i>Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими шакллантирилади.</i></p>
17.	<p>Лойихани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?</p> <p>✓ <input checked="" type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Йўқ” жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг (га): Тегишли намунавий лойихага мувофиқ ҳудудларда санитария меъёрлари талабларига асосан замонавий 12мх12м бўлган 7 та ЧИМга эҳтиёж мавжуд.</p>
18.	<p>а) Лойихани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/></p> <p>✓ <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг:</p>
	<p>б) Лойихани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/></p> <p>✓ <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.</p>
19.	<p>Давлат шериги томонидан (ДХШ лойихаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши</p>

	зарур бўлган қўшимча иш ҳамжларини кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/> Газ таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/> Электр таъминоти курилмаларига уланиш <input type="checkbox"/> Кириш йўллари <input type="checkbox"/> Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/> Бошқа Мавжуд эмас										
20.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг: <i>Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва хусусий шерик.</i>										
21.	Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.										
	<table border="1"> <tr> <td><b>Маъсул этиб тайинланган шахс</b></td> <td>Давлат шериги</td> </tr> <tr> <td>Ф.И.О.:</td> <td>Адхамжонов Нозимбек Адылович</td> </tr> <tr> <td>Лавозими:</td> <td>Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси хузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар Республика бирлашмаси Давлат-хусусий шерикчиликни жорий этиш бўлими бошлиғи</td> </tr> <tr> <td>Тел.:</td> <td>+998712070770 (5003# 1072#), 99-409-70-02</td> </tr> <tr> <td>Электрон почта манзили:</td> <td><a href="http://www.eco.gov.uz">www.eco.gov.uz</a></td> </tr> </table>	<b>Маъсул этиб тайинланган шахс</b>	Давлат шериги	Ф.И.О.:	Адхамжонов Нозимбек Адылович	Лавозими:	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси хузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар Республика бирлашмаси Давлат-хусусий шерикчиликни жорий этиш бўлими бошлиғи	Тел.:	+998712070770 (5003# 1072#), 99-409-70-02	Электрон почта манзили:	<a href="http://www.eco.gov.uz">www.eco.gov.uz</a>
<b>Маъсул этиб тайинланган шахс</b>	Давлат шериги										
Ф.И.О.:	Адхамжонов Нозимбек Адылович										
Лавозими:	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси хузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар Республика бирлашмаси Давлат-хусусий шерикчиликни жорий этиш бўлими бошлиғи										
Тел.:	+998712070770 (5003# 1072#), 99-409-70-02										
Электрон почта манзили:	<a href="http://www.eco.gov.uz">www.eco.gov.uz</a>										

“Киритилди”

Экология ва атропоф-муҳитни  
муҳофаза қилиш давлат кўмитаси  
раиси ўринбосари

И.Бокижонов

(Ф.И.О., имзо)



“Келишилди”

Давлат-хусусий шериклик  
ривожлантириш агентлиги  
директори в/б  
З.Бозоров

(Ф.И.О., имзо)

